

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ (PhD) 29.06.2019.FiL/Ped.83.01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАРДИЕВ ТЎЛҚИН КУЛИБАЕВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНСОН ТУЙҒУЛАРИ
ИФОДАЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philology sciences**

Мардиев Тўлқин Кулибаевич

Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг
концептуал таҳлили 3

Мардиев Тулқин Кулибаевич

Концептуальный анализ выражения чувства человека в английском и
узбекском языках 23

Mardiev Tulkin Kulibaevich

Conceptual analyses of expressing human feeling in English and Uzbek
languages.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ (PhD) 31.05.2019.FiL.72.03. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАРДИЕВ ТЎЛҚИН КУЛИБАЕВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНСОН ТУЙҒУЛАРИ
ИФОДАЛАНИШИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017. 3. PhD/Fil243 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Самарқанд давлат чет тиллар институти веб – саҳифасининг www.Samdchti.uz ҳамда “Ziyouet” ахборот – таълим порталининг www.Ziyouet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маматов Абди Эшонкулович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович филология фанлари доктори, профессор Ўсаров Иборҳимжон Кўрпашаевич филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи илмий муассаса:	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат чет тиллари институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.29.06.2019.FiL/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18 ; e-mail:info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” “_____” кунда тарқатилди. (2019 йил “_____” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

И.М.Тухтасинов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика ф.д. (DSc)

А.А.Яхшиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н. доцент

Н.Қ.Турниёзов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинарнинг раиси, филол.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тилшунослигида ҳар бир тилнинг ўзига хос миллий, маданий, тарихий анъанавий хусусиятларини оламнинг лисоний манзараси ва концепт тушунчаларига боғлаб тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Тилда халқнинг барча маънавий-маданий хусусиятлари акс этади. Зеро, миллий анъанавий қадриятларни ўзида мужассам этган миллий тилларнинг ҳозирги кун талаби даражасида илғор ва замонавий услуб ва методлар асосида талқин этиш талаб этилмоқда. Чунки дунё тилларидаги лингвомаданий йўналишда юзага келган ҳар хил этнослар маданий турмуш шаклларида акс эттирилиши ва мустаҳкамланиши масаласи тадқиқи соҳа таракқиётини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида лингвомаданият соҳаси билан боғлиқ бўлган инсон ҳис-туйғуларини ифодаловчи тил бирликларининг этик ва лингвосемантик талқин этиш муаммоси жаҳонда энг устувор йўналишлардан бири саналади. Айниқса, қардош бўлмаган тил соҳибларининг миллий-лисоний тафаккурида инсон туйғуларининг вербаллашуви ва қадриятли томонларининг чоғиштирма тарзда ўрганиш муҳимдир. Инсоний туйғуларга хос меҳр-муҳаббат, самимийлик, софдиллик, дўстлик каби лингвомаданий концептларнинг тиллараро вербаллашувини тафаккурдаги этик аксиологиянинг бир йўналиши сифатида чоғиштириб ўрганиш, когнитив, психологик, лингвопрагматик аспектларда тадқиқ этиш бугунги тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Тиллардаги инсон туйғулари концептуал таҳлилини замонавий тилшунослик методлари асосида тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида инсон туйғуларининг вербаллашуви ва қадриятли томонларини чоғиштирма тарзда ўрганиш, ҳозирги пайтда жаҳон фани тадрижий натижаларидан тўғри фойдаланиш, мазкур натижа ва хулосаларни амалда қўллаш кутилган самарани бермоқда. Амалга оширилиши керак бўлган муҳим тадқиқотлар қатори инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлил этиш вазифасини ҳам қўймоқда. “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугун замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи вазифамиз деб биламиз”¹. Бинобарин, инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлил этиш, ҳар икки тилнинг миллий-маданий хусусиятларини қиёсий ўрганиш ҳозирги тилшуносликнинг актуал соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу боис ушбу тадқиқот бугунги кун учун амалга ошириш лозим бўлган долзарб ишлардан бири саналади.

¹Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон мафаатларини таъминлаш- юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 50.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида лингвомаданиятшунослик ва концепт муаммоларининг назарий талқини бўйича махсус тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-80-йилларида бошланган эди. Ушбу масала бўйича хорижий ҳамда рус тилшунослигида бир қанча ишлар яратилган. Масалан, Л.Барсалоу, Р.Жекендоф, Р.Жекебсон, Р.Лангакер, Э.Рош, Ю.Д.Апресян, Н.Д.Арутюнова, Е.Кубрякова, Г.Колшанский, В.Постовалова, Г.Почепцов, Ю.Степанов, В.Воробьев, С.Тер-Минасова, В.Карасик, Г.Воркачев, Л.Кузнецова² каби олимларнинг илмий ишлари тилшуносликда концепт муаммосини ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг ушбу тадқиқотларида инсон туйғуларининг лингвомаданий таҳлили ҳам маълум даражада ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида

²Barsalou L. W. Frames, concepts, and conceptual fields// Frames, fields, and contrasts. -Hillsdale: 1992. -P.21-74.; Jackendoff R. What is a concept?//Frames, fields and contrasts. New Essays in semantics and lexical organization. - Hillsdale: 1992. -P. 191-209.; Jakobson.R.O. Language in Literature.- London: Harvard University Press, 1987. - 548 p.; Langacker R.W. Concept, Image, and Symbol: the cognitive basis of grammar. -Berlin, New York: Mouton de Gruyter, 1991. -395 p.; Rosh.E. Cognitive Representation of Semantics Categories//Journal of Experimental Psychology. 1975. -Vol.104. -P. 192-233.; Кубрякова Е.С. Языковое сознание и языковая картина мира // филология и культура. Материалы 2-й междунар. конф. Ч.3. – Тамбов.: Изд-во.Тамб. ун-та, 1999. С. 6-13.; Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке.-М.: Наука, 1990.-108 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс.- Волгоград.:Перемена, 2002. - 477 с.; Почепцов О.Г. Языковая ментальность: Способ представления мира // Вопр. языкознания. 1990. № 6. С.110-112.; Степанов Ю.С. Язык и ментальность. – СПб.: “Петербургское введение”. 2004.-64 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация.-М.: Слово, 2008.-264 с.;

Д.Ашурова³, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, А. Абдуазизов, А.Маматов, Н.Джусупов, Г.Атаханова, А.Таджибаева, Н.Тўхтаходжаеванинг тадқиқотларида маълум бир концептлар ва қисман инсон туйғуларининг таҳлили кўрилган³. Хусусан, Н.Исамуҳамедованинг *қалб*, М.Галиеванинг⁴ *сўз*, Н.Тўхтаходжаеванинг *бахт*, Д.Агзамованинг *эса хотира* каби концептлари бўйича амалга оширилган илмий ишлари шулар жумласидандир⁴. Мазкур тадқиқотимиз эса инсон ҳис-туйғулари (яъни *меҳр-муҳаббат*, *бахт*, *қалб (юрак)*, *дўстлик*) каби концептларининг инглиз ва ўзбек тилида вербаллашувига бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Луғат ва матнда тилнинг когнитив стилистик изоҳи” доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида *меҳр-муҳаббат*, *бахт*, *қалб (юрак)*, *дўстлик* каби концептларининг вербаллашувини таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оламнинг лисоний манзараси ва концепт тушунчасининг назарий асослари билан боғлиқ ҳолда лисоний онг, лисоний шахс ва мулоқот, концептнинг лисоний структурал хусусиятлари каби масалаларни ёритиш;

инсон туйғуларини ифодаловчи *меҳр-муҳаббат*, *бахт*, *қалб (юрак)*, *дўстлик* концептларидаги семантик ва этик хусусиятларни тадқиқ қилиш;

инглиз ва ўзбек тиллари соҳиблари лисоний мулоҳазасида *меҳр-муҳаббат*, *бахт*, *қалб (юрак)*, *дўстлик* концептларининг вербаллашувини киёслаб ўрганиш;

инглиз ва ўзбек бадиий матнларида юқорида қайд этилган инсон туйғуларининг лингвомаданий таҳлилинини амалга ошириш ва лисоний-мантиқий хусусиятларини ўрганиш;

қайд этилган концептларнинг лингвомаданий ва этик аҳамиятини бадиий, публицистик матнлар асосида уларнинг кадриятли таркибий қисмларини ёритиш.

³ Ашурова Д.У. Олий ўқув юрти назарий курслари лингвистикасининг замонавий йўналишлар билан алоқаси. Конференция материаллари. – Т.: ЎЗДЖТУ, 2008.- 11 б.; Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш 2-нашр.- Т.Шарк, 2010. 69-150 б.; Джусупов Н.М. Лингвокогнитивный аспект исследования символа в художественном тексте: дис..... канд.филол.наук. – Т.:НУУз имени Улугбека, 2006.- 173 с.; Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультуре атамалари хусусида. // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. - Т.: ЎЗДЖТУ, - Т.: 2011. -53 б.; Маматов А.Э. Очерки по французской фразеологической стилистике. – Т.: Ўқитувчи, 1989.- 117 б.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006. - 91 б.

⁴ Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/сўз/слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Автореф. дис...канд. филол. наук.– Т.: 2010. -28 с.; Агзамова Д.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида “хотира” концепти. – Т.:2014 .- 221 б.; Тўхтаўжаева Н. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида).- Филол.фан.фалсафа д-ри дисс.(PhD). – Тошкент, 2017. - 124 б.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги меҳр-муҳаббат, бахт, қалб (юрак), дўстлик каби лингвомаданий концептларни ифодаловчи тил бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғуларини ифодаловчи дўстлик, меҳр-муҳаббат, бахт, қалб (юрак) каби концептларнинг лингвомаданий, семантик ва этик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифий, чоғиштирма, концептуал таҳлил усулларида ҳамда тил назарияси, маданиятлараро коммуникация назариясида қўлланиладиган илмий методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғуларини ифодаловчи меҳр-муҳаббат, бахт, қалб, дўстлик каби лисоний бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари, вербаллашуви чоғиштириш йўли билан очиб берилган;

инсон туйғуларини ифодаловчи меҳр-муҳаббат, бахт, юрак, дўстлик концептларига хос умумий ва алоҳида лингвомаданийлик тушунчаларининг лексик-семантик, ментал ва структурал хусусиятлари асосланган;

инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғуларини ифодаловчи меҳр-муҳаббат, бахт, юрак ва дўстлик концептларининг лексик-семантик ва этик моҳияти чоғиштириш орқали аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида меҳр-муҳаббат, бахт, юрак ва дўстлик концептларининг когнитив-деривацион хусусиятларини аниқлаш асосида фразеологик бирликлар ёрдамида инсон туйғуларининг ифодаланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Меҳр-муҳаббат, бахт, қалб (юрак), дўстлик концептлари халқ оғзаки ижоди ва бадиий, тарихий асарлар ҳамда изоҳли фразеологик, паремиологик, фалсафий луғатлар, шунингдек мавзуга хос тадқиқотлар асосида инсон туйғуларининг ифодаланиши лингвомаданий жиҳатдан илмий тарзда ёритилиб, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш учун таклиф ва тавсиялар берилган;

Меҳр-муҳаббат, бахт, қалб (юрак), дўстлик концептларидаги қадриятли маъно хусусиятлари ёшлар таълим-тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши исботланган;

Ҳар бир тушунчадаги ментал маъноларнинг икки тил материалида чоғиштирма таҳлил этилиши, инсон туйғуларини ифодаловчи концептларни ўрганишда муҳим манба сифатида қўлланилган. Хусусан, таълим жараёнида маънавият дарсларида қўшимча материал сифатида улардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мавзу бўйича чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, муаммонинг аниқ ёритилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг фактик тил материалларга асосланганлиги ва Республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашрларда чоп этилган мақолаларда

келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лисоний ва маданий, ҳиссий ва когнитив муносабатлар, олам манзарасининг тилда акс эттирилиши муаммосига замонавий ёндашув, концепт тушунчаси ва лисоний концептлар масаласидаги муаммоларга аниқлик киритилиши, инсон туйғуларига хос концептларнинг лингвомаданий, когнитив, этик-семантик жиҳатларини қардош бўлмаган тиллар материаллари асосида қиёсий тарзда кенг ўрганилганлиги билан изоҳланади; тадқиқот натижалари келгусида инсон туйғуларини акс эттирувчи концептлар соҳасида тадқиқот олиб боровчилар учун муҳим илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган хулосалардан когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, умумий тилшунослик, услубият, нутқ маданияти, матн лингвистикаси, таржима назарияси ва амалиёти, танлов фанлар бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили мавзусидан чиқарилган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили мавзусидаги диссертация материалларидан ОТ–Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 89–03–3552-сонли маълумотномаси). Натижада тадқиқотда таҳлилга тортилган (*cord, friend*) каби концептлари талқинида деривацион назариянинг иш усуллари ҳам қўлланилган;

инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлиliga оид хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан 2016-2017 йилларда амалга оширилган иновация дастури бўйича И-2016-1-33-рақамли “Миллий ғоя ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” мавзусидаги инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 89-03-3552-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг тарғибот ишлари мазмундорлигини оширишда хизмат қилган;

тадқиқотнинг умумий ва ўзига хос лингвомаданийлик жиҳатларидан Қўмитанинг 2018 йилга мўлжалланган аниқ амалий чора-тадбирлари,

хусусан, 2018 йил 19 июнь куни “Ўзбекистон-Франция” дўстлик жамияти “Чет тилларини ўқитишда хориж тажрибаси ва хориж мутахассислари билан ҳамкорликнинг аҳамияти” мавзусида семинар-тренингда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги 89-03-3552-сонли маълумотномаси). Тадқиқот материаллари хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилган.

инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлилига оид хулосалардан Ҳиндистон элчихонаси қошидаги Лал Бахадур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказида бўлиб ўтган маданий тадбирларда фойдаланилган (Ҳиндистон маданият марказининг 2019 йил 7 ноябрдаги маълумотномаси). Тадқиқот материаллари Ўзбекистон ва Ҳиндистон мамлакатлари билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуман ва семинарда, жумладан, 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2таси хорижий журналда нашр этилган. Шунингдек, 1 монография чоп қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш,” уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Концептнинг назарий асослари**” деб номланиб, унда этнос-маданият ва тил тушунчалари, онг ва лисоний онг, лисоний шахс тушунчаларининг ўзаро муносабатлари каби масалалар бўйича илмий манбалардаги назарий фикр-мулоҳазалар талқин этилган. Шунингдек, концепт ва лисоний концептлар талқини ва концептнинг таркибий хусусиятлари каби масалалар ҳам таҳлил этилиб, айtilган назарий фикр-мулоҳазалардан маълум хулосага келинган. Масалан, талқин этилган фикр-мулоҳазалар куйидагилар билан характерланади:

– этнос инсонлар ёки инсонларга хос тушунчалар (уруғ, қабила, элат, халқ, миллат кўринишидаги ижтимоий гуруҳлар) мажмуидир. Этносда инсонларни ички томондан, маданий-маънавий жиҳатдан бирлаштирувчи энг муҳим алоқа воситаси ҳисобланган тил ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ижтимоий гуруҳлар лисоний гуруҳ сифатида шаклланади, чунки уларни бир-бирисиз тасаввур этиб бўлмайди.

– маданият ана шу этнос (халқ)нинг ижтимоий ва тарихий ривожланиш жараёнида вужудга келган, жамият тараққиётида тарихан эришилган, цивилизация босқичини характерлайдиган моддий ва маънавий хусусиятларнинг мажмуидир. Чунончи, фалсафа луғатида маданият лексемасига шундай таъриф берилади: “Маданият (лотинча *cultura* парвариш қилиш, ишлов бериш) – ижтимоий – тарихий амалиёт жараёнида инсоният яратган ва яратаётган ҳамда жамият тараққиётида тарихан эришилган босқични характерлайдиган моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир”⁵.

Маълумки, онг инсон рухиятининг олий шакли ҳисобланиб, у дунёга муносабатнинг ўзига хос усули сифатида қайта ўзгаришлар ва объектив қонуниятлар ҳақидаги билимларни англаш жараёнида шаклланади. Рефлексив характерга эга бўлган онг “психик жараёнларнинг юксак даражадаги системаси сифатида намоён бўлади, унинг ёрдамида инсон ўзини ўраб турган олами нафақат идрок қилади ва ҳис-туйғу билан ўз муносабатини билдиради, балки буларнинг ҳаммасини ўзига хос тарзда қайд қилади”⁶.

Шу ҳолат аёнки, онг ҳам тил каби ижтимоий ҳодисадир. У ижтимоий жамият тараққиёти билан шаклланади ва шу жараёнда ривожланиб боради. “Ижтимоий онг моҳияти ва унинг ривожланишини ижтимоий борлик белгилайди ва унга нисбатан бирламчидир. Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикосидир”⁷.

У ёки бу тилнинг сўзлари мазмунида шаклланаётган лисоний онгда оламнинг миллий-субъектив образи ўз ифодасини топади ва унга хос бўлган умумхалқ, стереотип тасаввурлар ҳам акс этади. “Тилнинг энг асосий

⁵ Абдурахимов Р. Философия луғати. – Т.: Ўзбекистон, 1976. - 639 б.

⁶ Рейковский Я. Экспериментальная психология эмоций. – М.: Прогресс, 1979.- 392 с.

⁷ Туленов Ш. Гофуров З. Фалсафа. – Т.: Ўқитувчи, 1997.- 383 б.

пойдевори ва бойлиги сўздор. Айтилган сўзни киши эшитар экан, уни онгли равишда борликдаги бирор тушунча билан боғлайди. Демак, сўзнинг айтилиши ва ифода этган тушунчалар ҳамда уларнинг умумлашуви натижасида ҳосил бўлган маъно доим тилда ифодалангани⁸.

Онгнинг муҳим белгиларидан бири шуки, у инсондаги тушуниб етилган хиссий туйғу ёки ҳаётий билимдир. Инсон мия ёрдамида оламни идрок этади. Бунда лисоний тасаввур ёки оламни билиш усули сифатида лисоний менталлик етакчи ўрин эгаллайди. Бу менталлик сўзлашувчи жамоа томонидан оламни ўзига хос этносспецифик жиҳатдан талқин қилаётган лисоний онг тушунчасининг асосини ташкил этади. Уни бўлақларга ажратганда, одатда, “тилда халқнинг ҳаётий ва маданий хусусиятларини акс этиши” тушунилади⁹. Лисоний онг категориясида, “лексик-фразеологик воситаларнинг вербаллашган тизимида инсоннинг ижтимоий онг категорияларида англашилган бутун ҳаёти қайд қилинади, талқин этилади ва умумлаштирилади”.¹⁰ Лисоний онгни кўпинча инсонларнинг бевосита кундалик тажрибаси ва ижтимоий ҳаётда ҳукмронлик қилувчи хусусиятларга асосланган тасаввурлар, кўрсатмалар ва стереотиплар мажмуига тенглаштирилади. Жамиятда кундалик онгни сақлайдиган ва юзага келтирадиган асосий манба тил ҳисобланган. Лисоний шаклда гавдаланган оламни халқ томонидан тушунилиши сифатида қабул қилинган лисоний онг лисоний шахснинг асосий белгиси сифатида қаралади¹¹. Лисоний шахснинг коммуникатив мулоқот дискурсида (яъни мулоқот вазиятида мавжуд бўладиган матнда амалга ошиши сабабли) концептларни тадқиқ қилишни уларга тегишли соҳалардан бошлаш мақсадга мувофиқдир, улар онгнинг турлари сифатида намоён бўлади. Уларда бу концептлар объективлашади.

Бу масалада Европа ва рус тилшунослигида маълум даражада махсус тадқиқотлар ва фикрлар мавжуд ва айни вақтда ўзбек тилшунослигида ҳам “концепт” соҳаси бўйича бир мунча ишлар юзага келмоқда.

Концепт термини тилшуносликда эски ва шу билан бирга янги тушунча сифатида қўлланилиб, у С.А.Асколдовнинг 1928 йилда ёзилган “Концепт и слово” номли мақоласида кўпроқ сўзга боғланган¹². XX асрнинг ўрталарига келиб эса “концепт” тилшуносликда атама сифатида қўлланила бошлади. Ҳозирги кунда тилшуносликда “концепт” атамасига икки хил ёндашув мавжуд: унга когнитив тилшунослик ва лисоний маданиятшунослик категориялари томонидан ёндашилмоқда.

⁸. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш 2-нашр. – Т.: Шарқ, 2010. -150 б.

⁹. Почепцов Г.Г. Языковая ментальность: Способ представления мира // Вопр. языкознания. 1990. № 6, с.110-112.

¹⁰. Алефиренко Н.Ф. Проблемы вербализации концепта: теоретическое исследование. – Волгоград: Перемена, 200, -196 с.

¹¹. Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. – М.: Наука, 1993, -189 с.

¹². Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста: Антология. – М.: Academia, 1997, -279 с.

Жумладан, А.П.Бабушкин. Н.Н.Болдырев. В.Н.Телия, Э.С.Кубрякова, И.А.Стернин ва бошқалар когнитив тилшунослик бўйича олиб борган тадқиқотларда концепт – бу онг бирлиги бўлиб, қабул қилинган билим, эришилган тажриба, инсон ҳаёти фаолиятидаги натижалари, муайян маданиятга тааллуқли тасаввур ва билимлар мажмуаси сифатида қаралади. Сўнгги даврларда ўзбек тилшунослигида ҳам концепт ҳақида муҳим маълумотлар юзага кела бошлади. Бу масалада Ў.Қ.Юсупов, А.А.Абудуазизов, А.Э.Маматов, Ш.С.Сафаров, Д.У.Ашурова, М.Н.Джусупов, М.Р.Галиева, Д.Б.Агзамова, Н.А.Тўхтажўжаева каби олимларнинг асарларидаги фикр-мулоҳазалар характерлидир.

Лекин ҳозирги вақтда кўпгина тадқиқотчиларнинг концепт атамасини ҳар хил изоҳлашлари кузатилади. Мазкур диссертацияда айтилган фикрларини бирма-бир талқин этиб, асосан В.И.Карасик, С.Г.Воркачев, ҳамда айрим ўзбек олимларининг изоҳларига қўшилдик.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Инглиз ва ўзбек тилларида инсон ҳис-туйғулари билан боғлиқ концептларни ифодаловчи тил birlikларининг этик ва семантик талқини”** деб номланади. Бунда *меҳр-муҳаббат*, *дўстлик*, *бахт*, *қалб-юрак* каби лексемаларда инсон ҳис-туйғулари тушунчасининг ифодаланиши билан боғлиқ лингвосемантик концептуал хусусиятлар ва улардаги ўзига хос этик (ахлоқий) ва семантик жиҳатлар ҳам талқин этилди. Инсон туйғуларига муносабат, аниқроғи, уларни тушуниш инсон маънавий тушунчаларининг мавжудлигини аниқловчи хусусиятлар деб қаралади. Бу эса инсон туйғулари концептини семантик таҳлил қилиш эҳтиёжини туғдиради. Бундан мақсад “унинг дистинктив белгиларини аниқлаш, чунки бу белгилар унинг предмет соҳаси чегараларини, иерархик системалашни амалга оширадиган муҳим (эссенциал) белгиларни қайд қилиш имконини беради”¹³.

Маълумки, инсон туйғулари табиатан турлича бўлади. Жумладан, *муҳаббат* концепти шулардан биридир. М.М. Маковскийнинг луғатида *Love - муҳаббат* концептининг этимологик маънолари асосан “боғланиш”, қисман “йиғиш, интилиш”, шунингдек, “сеҳргарлик, сеҳр қилиш, олов, сув, суюқлик, ҳаракат” каби илоҳий оламдаги барча унсурлар билан боғланган бўлади, деган изоҳлар ҳам мавжуд¹⁴. Чунончи, меҳр-муҳаббат концептига хос ҳис-туйғуларнинг ўзаро муносабати талқинида эркак ва аёл ўртасидаги оилавий муносабат инсонга хос туйғуларининг типик намунаси билан бири сифатида ҳам кузатилади.

¹³. Воркачев С.Г. Методологические обоснования лингвоконцептологии // Теоретическая и прикладная лингвистика. Межвузовский сборник научных трудов. Выпуск 3. Аспекты метакоммуникативной деятельности. – Волгоград.: 2002, с.39 (-233 с.).

¹⁴. Маковский М.М. Историко-этимологический словарь современного английского языка. – М.: Изд-во. Диалог, 2000.- 645 с.

Инсондаги турли туйғуларининг акс этишида, айниқса, концептуал ва семантик белги орасида боғланиш борлиги сезилади. Чунончи, *дўстлик* туйғусининг ядроси *муҳаббат* ҳисобланади. Бир-бири билан ҳурмат асосида танишишга муяссар бўлган эркак ва аёл ўртасидаги аҳиллик, яқинлик, меҳр-муҳаббат ана шу дўстлик туфайли пайдо бўлади. Масалан, инглиз тилида *My friend is died, my neighbor is died, my love, the darling is my soul, is died it is the inexorable consolidation and perpetuation of the secret that was always in that individuality, and which I shall carry in mine to my life's end.*¹⁵ Ўзбек тилида эса куйидагича, *Саодат шаҳарда қолди. Мен қишлоққа кетдим. Кетдим-у, шаҳарда юрагимнинг бир парчаси узилиб қолгандек бўлди. Кунлар ўтиб ўша дўстлик муҳаббатнинг дебочаси эканлигига иқроп бўлдим*¹⁶. Келтирилган мисолларда нафақат дўстлик, балки юрак концептининг муҳаббат туйғуси билан алоқадорлиги ҳам сезилади. Бу ҳолат матндаги “шаҳарда юрагимнинг бир парчаси узилиб қолгандек бўлди” қисмда акс этган. Бу бирикмада “юрагимнинг бир парчаси” “муҳаббатимнинг бир парчаси узилиб қолгандай бўлди” каби прагматик маъно ҳам англашилади.

Лекин дўстликдаги меҳр-муҳаббат бир неча киши ўртасида шаклланиши мумкин. Икки жинс ўртасидаги *муҳаббат* эса фақат эркак ва аёл ўртасидагина содир бўлади. Демак, эркак ва аёл ўртасидаги оилавий муносабат билан дўстлик концепти ўртасида алоқадорлик мавжуд бўлса-да, ўзига хос фарқ ҳам сезилади.

Р.Г.Апресяннинг “Любовь. Этика; Энциклопедический словарь” номли луғатида “дўст” ёки “дўстлик” лексемаси грек-лотин тилидаги “дўст” - “amicitia” “муҳаббат” - “amor” орқали ўз мазмунига эга бўлади¹⁷.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғат”да эса “дўст” форс тилида - шафқатли ўртоқ, ёр, ошна, маҳбуб(а) деган маъноларни англатади. Бунда *дўст* концепти куйидаги семантик маъноларни ифодалаган: 1.Қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар хил муносабатда бўлиши, яъни чин дўст, қадрдон дўст, кийматли дўст, вафодор дўст каби семантик маъноларни ифодалайди. 2. Яқин, таниш, ошна каби маънолар англашилади¹⁸.

Шу ўринда, энг аввало, сўнгги бир неча юз йилликлар давомида инглиз тилида *friend* сўзи билан содир бўлган семантик ўзгаришларни қайд этиш зарур. Жумладан, *companion, comrade, crony, associate* кабиларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. *Дўстлик* ҳақида мустаҳкам доимий муносабат сифатидаги тасаввур (*friendship*) инглиз-америка маданиятида янги инсонлар билан танишишнинг янги идеалига жой бўшатиб берди. Америкаликларга хос бўлган “тез ёқиш” ва “унутиш” усуллари дўстлик тўғрисидаги эски

¹⁵ Charles Dickens, A tale of two cities. Web site at <http://www.planetpdf.com>. 331p.

¹⁶ Саид Аҳмад. Мангулик қиссаси. – Т.: Ғафур Ғулом, 1963, -172 б.

¹⁷Апресян Р.Г. Любовь //Этика; Энциклопедический словарь – М.: 2001.- 245 с.

¹⁸Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: ЎЗСЭ, 1981.- 632 б.

классик тасаввурларга мос келмайдиган хусусиятлардир. Илгари *friend* сўзи билан берилган маънолар эндиликда “*close friend*” ёки “*best friend*” сўз бирикмалари ёрдамида, худди шу сўзнинг дастлабки маъносини ҳимоя қилгандек ифода этилмоқда.

Дўстликка нисбатан доимий нарсадек муносабатда бўлиш кўпинча *swearing* (қасам) ёки *vowing* (ваъда) сўзлари билан бирга ишлатиладиган *eternal friend* бирикмасида акс эттирилган. Бу ерга *steady friendship* ва *constant friendship*, шунингдек *faithful friend*, *steadfast friend*, *old friend* сингари бирикмаларни ҳам киритиш мумкин. Шунингдек, “дўстлик” концептидаги ўзаро аҳиллик, бошга тушган кулфатлар жараёни билан боғлиқ синовларда ёрдам кўлини чўзиш каби бир қанча маънолар мақол ва фразеологизмларда ўз аксини топган. Масалан, *A friend in need is a friend indeed*, *A friend is never known till a man have need*, сингари.

Авваллари мазкур концепт дўстлар севимлилиги, яъни меҳр-муҳаббат билан боғланган бўлишини назарда тутган бўлса, ҳозирги пайтда дўстлик қувонч, роҳат бағишлашини ҳам ифодалайди. Бизнинг тушунчамизда “friend” концептида “оғайничилик” томонга бироз семантик ўзгариш содир бўлган, бундай шароитда кўп *friends* (дўстлар)га эга бўлиш нормал ҳолат ҳисобланади.

Friendship концептига хос бўлган бу ҳолат инглиз-америка жамиятида содир бўлаётган ўзгаришлар, улар ҳаётининг жадаллиги, шахсий мулоқот учун вақт етишмаслиги билан боғлиқ. “*To make friends*” бирикмаси дўстлашиш маъносида ҳам ишлатилади. Шу каби “*Just stood friends*” ибораси ҳам эътиборга лойиқ. Бунда жанжалдан сўнг ярашиб дўст бўлиб қолиш каби маъно ифодаланади. Мазкур иборалар асосида *Friend* маъноси кенгайиб *Friendship* концептига хос хусусиятлар юзага келаган.

Ўзбекларнинг онгида *дўстлик* концептининг мундарижавий минимуми ўзаро инсоний муносабатлар, маънавий яқинлик, қизиқишларнинг умумийлиги, ҳурмат, меҳр - оқибат ва ҳоказолар тушунилади. Ўзбек тилида кишиларни бирлаштирувчи куч сифатида *дўстлик* ҳар доим муҳим ижтимоий-ахлоқий қадрият ҳисобланади. Кенг маънода *дўстлик* тушунчаси бугунги кунда социал муносабатлар шахслараро муносабатларни ҳам англатади. Тўғри ҳозирги вақтда халқаро муносабатларда бу мазмун иккала тилида ҳам мавжуд.

Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғуларини ифодаловчи тушунчалардан бири *happiness* (*бахт*) лексемаси саналади. *Бахт* лексемаси алоҳида концепт сифатида ўзига хос инсон туйғуларини англатса-да, *муҳаббат*, *шодлик*, *қувонч*, *бахтиёрлик*, *дўстлик* туйғулари билан ҳам боғланади. Этимологик луғатлардаги тавсифга кўра, *happiness* лексемасининг ўзаги “*hap*” (ҳодиса, омад)дан ҳосил бўлган. Шунингдек, “*hap*” инглиз тилига

скандинаф тилидан кириб келганлиги қайд этилган¹⁹. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *бахт* концептига хос семантик маъно аслида форс тилидан олинган бўлиб, *насиба-улуш* маъносини англатиб келади²⁰.

Маълумки, *бахт* концепти мазмунида инсон учун кадр-қийматга эга бўлган туйғу ётади. *Бахт* концептида бахтсизлик, яъни қарама-қаршилиқ (дуаллик) каби маъно ҳам мавжуд. Бахтсизлик бахтнинг акси сифатида намоён бўлади. Инглиз ва ўзбек оғзаки нутқида *One happiness scatters a thousand sorrows, Unhappiness can be abridge to happiness, бахт инсонга омад, бахтсизлик эса қулфат келтиради*, деган ибора бор. Омадсизлик маъноси инглиз тилида *Unhappiness* атамаси билан ифодаланади. Луғавий изоҳлар ва компетент-дефиницион таҳлил шуни кўрсатадики, *бахт* инглизча *happiness* дейилади.

Юқорида қайд этилган мисолдан сезиладики, омадсизлик бахтсиз ходисадир. Бунда кутилмаган кўнгилсизлик намоён бўлади. Бадиий адабиёт, кундалиқ муносабатларда бахтни мустақкамлаш учун айрим шартларнинг бўлиши лозимлиги таъкидланади. Бунда дўстлик, меҳр-муҳаббат, фаровонлик, яхшилик қилиш, тарбиялилик, сахийлик, бағрикенглик каби хислатлар кўзда тутилади. Бахт концептига хос бундай туйғулар инглиз тили материалларида мавжуд. *Then, all the good you bring to him, all the relief, all the happiness you bring to him, begin. Mr. Stryver having made up his mind to that magnanimous bestowal of good fortune on the Doctor's daughter, resolved to make her happiness known to her before he left town for the Long Vacation*²¹.

Шунингдек, бахт концептига хос бундай туйғулар ўзбек тили бадиий адабиётларида ҳам мавжуд бўлиб унда толе, иқбол, самимийлик, ишонч каби хислатлар кўзда тутилади. *Бу бахт қуши кимнинг, қайси бир толеи баланд йигитнинг бошига қўнар экан? Ҳамманинг тилида шу савол. Лекин ҳамманинг дилида эзгу бир тилак; "Илоҳим, тенги топилсин."*²² *Кўзуга бориб боқ, кўзларингда меҳр, самимийлик бор, сен келажаги порлоқ йигитсан ва бахтинг шуки, одамларга ишонсан. Билиб қўй, одамларга ишонмай қўйиш катта бахтсизликдир*²³. Демак, меҳр-муҳаббат ва дўстлик бор жойда бахт мавжуд бўлади. Ҳамма ишда омад туйғусининг мажудлиги муҳим хисобланади.

Инглиз тилида бахт туйғусини кўпинча *ташриф ёки сафарнинг бахтли*, омадли яқун топиши ҳолатлари билан тугагини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, *Much they saw, far they went and many homes they visited, but always with a happy end*²⁴.

¹⁹. Longman Activator – Longman Language Activator. The World's First Production Dictionary. Ninth Impression.– Н.: Longman, 1999-1587 p.

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: ЎЗСЭ, 1981. -632 б.

²¹. Charles Dickens, A tale of two cities. Web site at <http://www.planetpdf.com>. -331 p.

²². Абдулла Қаххор. Анор. –Т.: Фафур Ғулом, 2005, -200 б.

²³. Азамат Қоржовов. Бозор ошхонасидаги қиз. –Т.: Дизайн –пресс, 2012. 191 б.

²⁴. Charles Dickens, A Christmas Carol. Web site at <http://www.planetpdf.com>. Page 56.

Ўзбек тилида эса *бахт* туйғусини сафар пайтидаги муваффақиятлар билан ҳам боғлашади: *Бошингда айланиб юрган бахт қуши сафарга чиқганигда қўнади. Кўзимга бир ҳурлиқо қиз ҳам кўринаяпти. Бахт қуши ўшанинг ўзгинаси, икковингнинг севишинг аниқ*²⁵.

Хуллас, *бахт* тушунчаси ижтимоий ҳаётдаги барча жабҳаларда намоён бўлади ва инсон фаолияти учун зарурий туйғу ҳисобланади. Ер юзида бахт ҳақида ўйламаган ва уни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак.

Юрак(қалб) лексемасида ҳам юқорида қайд этилган инсон ҳис-туйғуларининг лисоний менталлик хусусиятлари мавжуд. Тадқиқотда *heart* (юрак) сўзининг тарихий-этимологик таҳлили шуни кўрсатдики, инглиз тилида *heart* концептига хос лексема лотин тилидаги *herdcor* маъносини беради. *Cor* – сўз ўзаги сифатида роман тилларида кенг тарқалган, инглиз тилида *cor* – сўз ўзаги шаклида *cordial* (юракдан самимий) сўзида иштирок этади, ундан эса *cordiality*, *cordialby* сўзлари ҳосил бўлган. Ушбу сўз инглиз тилига XIV асрда кейинги лотин тилидаги *cordialis* (самимий) сўзидан кириб келган²⁶.

Юрак концептининг асл луғавий маъноси инглиз ва ўзбек тилида икки хил маънода қўлланилади: 1) *организм*, 2) *кўчма маънода* (яъни қалб, кўнгил, дил каби маъноларда) келади. Инглиз тилида киши организми сифатида *heart* сўзи қўлланилади. Ўзбек тилида ҳам кишининг ички физиологик органларидан бири сифатида *юрак* сўзи қўлланилади. *Heart* (юрак) лексемалари семантикасида қуйидаги тасаввурлар умумий ҳисобланади: *юрак* термин сифатида қонни ҳайдайдиган ва ҳис-туйғуларни туғдирувчи орган сифатида тасаввур қилинади.

Юрак лексемасида ҳам *дўстлик*, *муҳаббат*, *бахт* каби концептлардаги туйғуларга яқин маънолар мавжуд. Таъкидлаш керакки, ўзбек тилида *қалб* ва *юрак* бир хил маъно англатса-да, бу икки хил шаклдаги лексема маъносида фарқ бор. Умуман, олганда, *юрак* инсоннинг физиологик органи сифатида унинг ички ҳаётига жавоб беради, *қалб* эса эмоция ва туйғуларни ифодалайди. Инглиз тилидаги *heart* (*юрак*) ва *soul* (*қалб*) сўзлари синонимлар сифатида ҳам қўлланади ва кўпинча бир-бирининг ўрнида келиши мумкин. Инглиз ва ўзбек тилларида “юрак” конкрет (аниқ) предмет сифатида ҳам намоён бўлади, уни ўғирлаш, забт этиш, вайрон қилиш, бировга бериш мумкин. Ўзбек тилида юракни бериш, севиб қолиш маъносини, инглиз тилида *to give heart* қўллаб-қувватлаш, севиб қолиш эса *to lose one's heart to*: шуни таъкидлаш лозимки, *lose heart* шижоатни йўқотиш – инглиз тилида контекстга қараб юраксизлик қилмоқ, яъни кўрқоқлик қилмоқ ёки севиб қолмоқ маъноларини англатади. Ўзбек тилида *унда юрак йўқ* дейилса, шафқатсизлик қила олмайдиган, бирор бир зарур ёки қалтис ишга жазм эта олмайдиган маъно ифодаланади; юраги бор мазмунида эса ҳар бир ишни

²⁵ Азамат Қоржовов. Бозор ошхонасидаги қиз. –Т.: Дизайн –пресс, 2012. 191бет.

²⁶ Маковский М.М. Историко-этимологический словарь современного английского языка. – М.: Изд-во. Диалог, 2000.- 645 с.

уддалашга қодирлик кўзда тутилади. *Юраги йўқ* иборасида эса, аксинча, шижоатсиз, кўрқоқ, матонатсиз мазмунлари англашилади. Юраги бор-йўқлиги оппозицияси икки тилда ҳам мавжуд. Масалан, инглиз тилида унда юрак бор ибораси *he has a heart* шаклида ва унда юрак йўқ эса *as he has no heart* шаклида қўлланилади.

